

### Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. “Наманган ҳақиқати” газетаси 2020 йил 25-январь № 7 (19626).
2. Сидоров А.П. Внутривзаводские пропорции мощностей и эффективность производства. Москва. 2012.
3. Румянцева З.П., Саломатин Н.А., Акбердин Р.З. Менеджмент организации. М.: Инфра-М, 2012. С. 300-301.
4. Румянцев А.М., Яковенко Е.Г., Янаев С.И. Инструментарий экономического науки и практики. М.: Знание, 1999. С. 101-102.
5. Ўзбекистон Иқтисодий Ахборотномаси. №1 ва №2. Тошкент, 2012.

*Ф.А. Ғаниев, У.С. Турсунов*  
Наманган Давлат Университети ўқитувчиси  
Наманган Муҳандислик-технология институти  
Ўзбекистон

### ЧОРВАЧИЛИҚДА ҲАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ТАННАРХНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада чорвачилик ҳаражатлари ва таннархини ҳисобга олиш масалалари ўрганилган, шунингдек, чорвачиликда ҳаражат моддалари, аналитик ва синтетик ҳисобнинг хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, фермер хўжалиги, чорвачилик, ҳаражат, маҳсулот, таҳлил.

Мамлакатимиз аҳолиси сонининг ўсиши билан чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ўсиб бормоқда. Республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш натижасида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан, енгил ва озиқ-овқат саноатини эса хомашё билан етарли таъминлашга имконият туғилади.

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби счётлар режасида ҳаражатларни ҳисобга олиб бориш учун 2010-“Асосий ишлаб чиқариш” счёти мўлжалланган, чорвачилик ҳаражатларини ҳисобга олиб бориш эса бу счётда “Чорвачилик” аналитик счёти очилиб, унда чорвачиликка қилинган ҳаражатлар ва олинган маҳсулотлар ҳисобга олиб борилади. Фикримизча, чорвачилик хўжаликларида чорвачилик ҳаражатлари ва олинган маҳсулотлар ҳисобини юритиш учун 2020-“Чорвачилик ишлаб чиқариши” таннарх ҳисоблаш счёти очилиши мақсадга мувофиқ. Унинг таркибида: йирик шоҳли ва майда шоҳли чорва ҳайвонлари, йирик шоҳли чорвада эса: ишчи, маҳсулот берувчи ва насли чорвалар, майда шоҳли чорвада эса: маҳсулот берувчи ва насли чорвалар бўйича субсчётлар очилиб, таннарх ҳосил қилувчи ҳаражатларни жамлаш ва ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу счёт ва субсчётлар бўйича ҳаражатлар чорвачиликнинг қўйи тармоқларида чорвачиликнинг айрим турлари ва гуруҳлари сифатида ҳисоб объектларига ажратиб ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. 2020-счёт бўйича ҳисобга олиш номенклатураси қуйидагича.

Чорвачиликнинг қорамолчилик йўналишида-сут чорвачилиги бўйича қорамолчиликда: асосий пода, барча ёшдаги ёш чорва моллари ва бўрдоқига боқилаётган чорва моллари, сигир ва ғунажинлар етиштириш (ихтисослашган

хўжаликларда бир мақсадни кўзлаб етиштириш). Гўшт чорвачилиги йўналишида: асосий пода, 6 ойликдан катта ёш чорва моллари ва бўрдоқига боқилаётган чорва моллари. Буқалар: буқаларнинг асосий подаси, боқувга қўйилган ҳар хил ёшдаги бузоқлар ва катта ёшдаги буқалар. Қўйчиликда ҳаражатлар ҳисоби унинг йўналишлари - майин жунли, ярим майин жунли, ярим дағал жунли, дағал жунли, қоракўл тери ва барра тери бўйича юритилади. Парандачиликда тухум қўядиган товуқлар, гўшт учун боқиладиган товуқлар, 1 кунликдан 150 кунликкача бўлган жўжалар. Гўшт ва гўшт-тухум йўналишидаги товуқлар: катта ёшли она товуқлар, 1 кунликдан 180 кунликкача бўлган ёш товуқлар, жўжа (бройлер)лар. Паррандаларнинг бошқа турлари (ўрдак, ғоз, курка ва бошқалар) бўйича ҳисоб икки гуруҳга ажратиб юритилади: катта ёшдаги паррандалар ва ёш паррандалар. Инкубаторлардаги тухумлар паррандалар тури бўйича ҳисобга олинади.

Бошқарув ҳисобида ўзларининг махсус озуқа тайёрлаш хоналари ва цехларига эга бўлган чорвачилик хўжаликларида озуқа тайёрлаш бўйича ҳаражатларни ҳисобга олиш учун алоҳида аналитик счёт очиш тавсия этилади. Белгиланган муддатларда ҳисобга олинган ҳаражатлар бу счётлардан чиқариб ташланади ва чорва молларини парваришлаш ҳаражатлари ҳисобга олинаётган аналитик ҳисоб объектларига (тайёрланган (берилган) озуқа миқдорига мутаносиб) тақсимланиши зарур.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш аҳолининг яшаш фаровонлигини оширишнинг асосий омили эканлиги кўп таъкидланди. Лекин амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик фермер хўжаликларида ҳаражат нормативлари илмий асосда шакллантирилмаган ва бизнес-режа эса деярли тузилмайди. Натижада, ҳаражатларни шакллантириш объектлари ва моддалари (тармоқлар бўйича) аниқланмайди. Йил давомида эса ҳаражатлар дастлабки, йиғма ва аналитик ҳисобда аниқ ҳаражат объектлари ва моддалари бўйича ҳисобга олинмасдан “анъанавий усулда, яъни фермер хўжалигида ўз билганича юритиб келинмоқда. Бу ҳаражатларни йил давомида ойма-ой, ўсиб боровчан жами билан ҳисобга олиб боришни таъминламайди.

Шунингдек, бир неча ҳаражат объектларига тақсимланадиган ҳаражатлар алоҳида йиғилиб, аналитик ҳисоб объектига ўтказилмасдан тахмин умумишлаб чиқариш, амортизация ва бошқа шу каби билвосита ҳаражатлар йил давомида ҳисобга олиниб, охирида асосий ишлаб чиқаришдаги ҳаражат объектларига тақсимланиши лозим.

Буларнинг оқибатида фермер хўжалигида йил якуни бўйича ҳар бир маҳсулот (иш, хизмат) бирлигининг таннархини тўғри аниқлаб булмайди. Дарҳақиқат, соҳа олимлари А.Х. Пардаев ва Б.Х. Пардаевлар ёзишича “Бошқарув ҳисобида маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархига кўпроқ урғу берилади. Корхонанинг муваффақияти таннархнинг шаклланиши билан боғлиқ ишлаб чиқаришга қилинган ҳаражатлар маҳсулотнинг сотув баҳосини ўрнатиш, фойдани ҳисоблаш ва рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш учун асос бўлади.

Иқтисодчи олимлар Б.А. Хасанов ва А.А. Хашимовлар таъкидлашича, “Корхонадаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини пасайтириш имконини беради. Маҳсулот таннархини аниқлашда калькуляция бирликни аниқ белгилаш муҳим масала ҳисобланади”.

Фикримизча, аввало ишлаб чиқаришни режалаштиришни тўғри йўлга қуйиш, дастлабки ҳисобни тўғри ташкил этиш зарур. Қоидага кўра, чорвачилик тармоғида ҳаражатлар ва олинган маҳсулотларни ҳисобга олишда тегишли дастлабки ҳужжатларга бўлинади. Чорвачиликдаги ҳаражатлар меҳнат буюмлари, меҳнат

воситалари ва чорва ходимларининг меҳнат ҳақи ҳаражатларидан иборат. Ушбу ҳаражатлар хусусиятларига кўра тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб борилади. Масалан, сарфланган озуқаларнинг дастлабки ҳисоби «Озуқа сарфлаш қайдномаси»да, йиғма ҳисоби эса «Озуқа сарфи журнали»да юритилиши керак. Унда чорва молларининг ҳар бир тури ва гуруҳи учун алоҳида бетлар ажратилиб сарфланган озуқа миқдори, уларнинг озуқа бирлигига ва хазм бўлувчи протеинга айлантирилган миқдори, шунингдек, озуқа-кунлар сони кўрсатилади. Бу журналнинг жамланган маълумотларига асосан озуқа сарфлари ҳисобга олинган йиғма қайднома тузишни йўлга қўйиш зарур.

Чорвачилиқда сарфланган бошқа моддий бойликлар (дори-дармонлар, биопрепаратлар ва бошқалар) белгиланган тартибда лимит-забор карталари ва юк хатлари билан расмийлаштирилади.

Чорвачилиқ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш етиштирилган маҳсулотлар миқдори ва сифатига қараб амалга оширилиши керак. Бунда чорвачилиқдан олинган маҳсулотларни расмийлаштирадиган ҳужжатлар (“Сут соғишни ҳисобга олиш журнали”, “Туғилган ҳайвон болаларини киримга олиш далолатномаси”, Чорва молларининг вазнини ўлчаш қайдномаси”, “Чорва молларини гуруҳдан- гуруҳга ўтказиш далолатномаси” ва бошқалар) меҳнатга ҳақ тўлаш учун асос бўлади. Ушбу ҳужжатларга асосан чорвачилиқ ходимларига меҳнат ҳақи ҳисоб-китоби тузилади. Чорвачилиқ ходимлари ишлаган вақтининг ҳисоби “Иш вақтини ҳисобга олиш табели”да юритилади. Амалиётда бундай дастлабки ва йиғма ҳужжатларни юритиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинмаслик ҳолатлари мавжуд.

Чорвачилиққа ихтисослашган фермер хўжалиқларида ҳаражатларнинг аналитик ҳисоби «Чорвачилиқ ҳаражатлари ва олинган маҳсулотлар ҳисоби қайдномаси»да юритилишини йўлга қўйиш юқорида баён қилинганларни амалга оширишни таъминлайди.

Агар фермер хўжалиги бир нечта тармоқлар ва бўлинмаларга эга бўлса, уларнинг ҳар бири учун бундай қайднома алоҳида юритилиб, ой охирида хўжалиқ бўйича йиғма қайднома тузиш тавсия этилади. Йиғма қайдномада кўрсатилган 2012-«Чорвачилиқ ишлаб чиқариши» счётининг дебети ва кредитига ёзилган ойлик суммаларнинг жами журнал-ордерларга асосан тузилган Бош дафтардаги 2012-счётдаги дебет ва кредит оборотларига тенг бўлиши керак. Шундай қилиб, чорвачилиқда ҳаражатлар ҳисобининг ташкилий-услубий жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш тармоқда бошқарув қарорлари самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.